- 10:20 «Национальный интерес».
- 11:20 Боевик «Риск без контракта».
- 13:35 Д/ф «Я вернулся... Игорь Талков».
- 14:35 М/ф «Астерикс и виганди».
- 15:50 М/ф «Аленький цветочек».
- 16:35 «Субботний вечер».
- 18:35 «Танца на льду. Ваш выбор».
- 19:20 «Ревизор».
- 19:50 Т/с «Консервы».
- 22:15 Х/ф «Жаркин ноябрь».
- 00:15 Триллер «Ловец снов».
- 02:25 Х/ф «Батани».

НТВ

- 05:00 Х/ф «Авария».
- 06:30 «Сказки Баженова».
- 07:00 09:00 12:00 15:00 18:00 «Сестраня».
- 07:15 Лотерей «Золотой ключ».
- 07:45 «Бел рингитан».
- 08:20 «Смотр».
- 09:20 «Главная дорога».
- 09:55 «Кулиарний поединко».
- 11:00 «Квартирный вопрос».
- 12:25 «Особно опасен».
- 13:00 Комедия «Салдат Иван Бровони».
- 15:25 «Женский взгляд». Н. Коцков.
- 16:00 «Свог эркин».
- 16:55 Т/с «Закон и порадок».
- 18:40 «Профессия — репортер».
- 19:05 «Программа максимум».
- 20:05 «Русские сенсации».
- 20:55 «Ты не повернишь».
- 21:45 «Реальная политика».
- 22:25 Боевик «Миссия невыполнима».
- 00:40 «Микс-файт М-1. Бой без правил».
- 01:30 Боевик «Побет к побед».

КУЛЬТУРА

- 05:30 Канал «Евроинфо».
- 09:00 01:50 00:50 Программа передач.
- 09:10 «Библиейский сюжет».
- 09:40 Х/ф «Ты мой восторг, мое мучение...».
- 11:05 Д/ф «Кино». Форма и пластика».
- 11:20 «Кто в доме хозяйин».
- 11:50 Х/ф «Огни, вода и... медные трубы».
- 13:10 М/ф «День рождения».
- 13:25 «Путешествия натуралиста».
- 13:50 «Планета Михаила Андискина».
- 14:30 Х/ф «Пески-лавочки».
- 16:10 «В вашем доме».
- 16:55 «Магия кино».
- 17:35 «Партия главных Великие голоса XX века».
- 18:00 Д/с «У истории на кухне».
- 4 с. «Вкус прославился».
- 18:55 К 80-летию театра «Лейком». Г. Горин. «Королевские игры».
- 21:00 «Новости культуры».
- 21:25 Х/ф «К северу через северозапад».
- 23:35 Д/ф «Морис Шевалье. Сестраня, которую не видели».
- 00:55 К 80-летию театра «Лейком» музеев. Прусская сокровищница».
- 00:55 Д/с «У истории на кухне».

СТС

- 07:00 Х/ф «Сказок».
- 08:25 М/ф «Миллион в мешке».
- 08:55 «Флиппер и Лопака».
- 09:20 «Смешарики».
- 09:30 «Проклятичии полевого мажоника».
- 10:00 «Улица Сезам».
- 10:30 «Пухляк».
- 11:05 М/ф.
- 15:00 «Звонок».
- 16:00 «Ты — супермодель 4».
- 17:00 Истории в деталях. Спец.
- 17:30 Х/ф «Убить Вилла 2».
- 20:00 СТС задает супервладу».
- 22:00 Х/ф «Кубок феи».
- 23:45 СТС задает супервладу. Годованине.
- 00:55 Х/ф

ТВ3

- 07:00 М/ф.
- 09:00 М/ф «Черепашки-ниндзя».
- 10:00 Х/ф «Тришадити».
- 12:00 УП-СП».
- 13:00 Т/с «Мурашки». 21 и 22 с.
- 14:00 Мозгология».
- 15:00 Х/ф «Путешествие к центру Земли». 1 и 2 с.
- 19:00 Т/с секунду до катастрофы».
- 20:00 Х/ф «Блеск славы».
- 22:00 Х/ф «Пила».
- 00:00 Т/с «Узы крови». 7 с.
- 01:00 Другое кино.
- 01:15 Х/ф «Ночь живых мертвецов».

ТНТ

- 06:00 М/с «Эн, Арнольд».
- 07:40 00:35 Наши песни».
- 08:05 20:00 00:00 02:40 «Дом 2».
- 09:00 Школа ремонта».
- 10:00 Боевик «Джоджоблик».
- 10:30 18:30 «Шоу Нью».
- 11:00 «Битва экстрасенсов».
- 12:00 Клуб бывших жен».
- 13:00 «Сотворили».
- Видеосериал.
- 14:00 Мелодрама «Шаг вперед».
- 16:05 Т/с «Саша Милла».
- 17:00 Ребенок-робот 2».
- 18:00 Такси в Питере».
- 19:00 «Гитина».
- 21:00 «Комеди Клаб».
- 22:00 «Нава Россия».
- 22:25 Убийная лига».
- 23:25 Секс с А. Чеховой».
- 00:50 Боевик «Полицейская история 2».

“O`ZBEKTELEKOM” AK
“ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ”
 ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикаimizдаги
 барча устоз ва мураббийларни
**1 октябр – Ҳқитувчилар ва
 мураббийлар куни**
 билан қизгин кутлайди.



*Азиз устозлар!
 Фидойи фарзандлар
 тарбиялашдек олижаноб
 ишларингизда омадлар
 ёр бўлсин!*

Тошкент ахборот технологиялари
 университети қошидаги

**МИРЗО УЛУФБЕК
 АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ЖАМОАСИ**

Мустақил юртимиздаги барча устозларни,
 шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш
 тизими таълим даргоҳларида меҳнат
 қилаётган касбдошларини
**1 ОКТАБР – ҲҚИТУВЧИЛАР ВА
 МУРАББИЙЛАР КУНИ**
 билан табриклайди.



Қадрли ҳамкасблар!
 Барчангизни ушбу айём ила кутлар
 эканмиз, озод ва обод юртимиз
 келажаги бўлмиш ёшларни
 тарбиялашдек ўта масъулиятли, шу
 билан бирга, шарафли ва фахрли
 ишингизда катта ютуқлар тилаймиз!



Азиз устозлар!

«Билайн» савдо белгиси барча устоз ва мураббийларни
 касб айёми билан муборакбод этади. Байрамона кайфият,
 соғлиқ-саломатлик ва муносиб шогирдларга эга бўлишингизни
 тилаймиз!

Машаққатли, аммо олижаноб меҳнатингиз учун хамиша
 миннатдорлик изхор этамиз.



Билайн™

ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

TADBIR



Устоз номини ёд этиб

Абдулла Қаҳҳор буюк ва серқирра ижодкор, халқимизнинг фахру ифтихори. Давлатимиз раҳбарининг махсус қарори асосида республикамизнинг барча гўшаларида адиб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаяпти.

Тадбирларда Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида саҳна кўринишлари тайёрланмоқда, касса ва ҳикояларидан парчалар ўқилмоқда. Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбирда ҳам шундай бўлди.

— Устоз Абдулла Қаҳҳор ижоди тиниклиги, ҳаётийлиги билан ром этади барчани, — деди тадбирни очар экан коллеж директори Марат Зоҳидов. — Шунинг учун ҳам ордан анча йиллар ўтган бўлишига қарамай халқимиз адиб асарларини ҳамон севиб ўқимокда, улардан зўр маънавий қониқиш олмақда. Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқиб-ўрганиш, ҳаёт йўлини яхши

билиш ёшларимизнинг муҳим вазифаси бўлмоғи лозим.

Тадбир иштирокчилари шунингдек, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шойим Бўтаев, Абдулла Қаҳҳор уй музейи директори Нодира Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар Ёқубўжаевларнинг адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузаларини тингладилар. Коллеж талабалари томонидан тайёрланган адибнинг “Ўғри” ҳикояси асосида саҳна кўриниши айниқса қизиқarli бўлди. Тиллар кафедраси ўқитувчилари Назира Мирзақаримова, Тожиҳол Иброҳимова, Гузида Якубова, Инобат Саидова,

Саодат Самадова ҳамда кафедра мудири Насиба Турсунўжаевалар бошчилигида тайёрланган мазкур саҳна кўринишидаги ролларни талабалар қойиллатиб ижро этишди.

Сўнгра Абдулла Қаҳҳор портретини чизиш, деворий газета чиқариш, иншо ёзиш ва буклетлар тайёрлаш бўйича талабалар ўртасида эълон қилинган танлов ғолиблари ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани бўлими томонидан совғалар топширилди.

— Атоқли ёзувчи ва шоирлар ижодига бағишланган тадбирларни ўтказиш бизда анъанага айланган, — дейди маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Азизахон Обидова. — Бундай тадбирлар талабалар маънавиятини оширишда, уларни юртта муҳаббат, ота-болаларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз

ANJUMAN

Республика маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод тумани маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан мазкур олийгоҳда ўтказилган илмий-амалий анжуман “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусига бағишланди.

Тараққиёт йўли

Анжумани кириш сўзи билан очган Юнусобод тумани маънавият ва маърифат кенгаши масъули котиби, туман маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Нигора Абдурахимова маъруза учун дастлабки сўзни институт проректори Бахтиёр Омонова берди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг аксарият йирик корхоналари ва ташкилотлари, олий ўқув юртиларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги Юртбошимизнинг Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган маърузасида илгари сурилган ғоялар, баҳариланган ишлар салмоғи бирма-бир муҳокама қилинмоқда, — деди нотиқ. — Ўтган 16 йил мамлакатимиз тарихида ўзига хос муҳим ўрин эгаллаганлиги, Ўзбекистон қадимий обидалар ва қадамжолар юртига айланганлиги, Тошкентдаги “Хотира майдони”, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, Темирийлар тарихи музейи, Миллий боғ ҳамда Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз ва Урганч шаҳарларида буюк аждодларимиз хотирасига меъморий ёдгорликлар ўрнатилганлигидан асло кўз юмиб бўлмайдим. Биргина Самарқанд шаҳри яқинидаги буюк муҳаддис Исмоил Бухорий мақбарасининг кўркам ва салобатли қадамжого айланганлиги ёшларимиз қалбида эришилган ютуқлардан фахр ва ифтихор ҳамда шу юртга муносиб ворис бўлиш ҳиссини уйғотиши табиий.

Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошлангандан буён 1140га яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 4 минг 680тадан зиёд умумтаълим мактаблари янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий меҳел, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган ҳаражатлар ҳажми мамлакатимиз янги ички маҳсулот таркибида 12 фоиздан ортади. Холбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Дарҳақиқат, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятнинг шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Шуниси қувончлики, 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлида тизимдаги олий ўқув юртилари қатори университет ҳам оёққа турди, ривожланди ва обрўли таълим даргоҳига айланди. Талабалар эса ана шу ютуқ ва ривожланишни юракдан ҳиз этган ҳолда юртга муносиб фарзанд бўлиш учун ҳаракат қилмоғи лозим.

Шунингдек, сўзга чиққан Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов, Республика маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, иқтисод фанлари доктори Иброҳим Абдуғаниев, Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, фалсафа фанлари доктори Гулмира Туленова, университет катта ўқитувчиси Гулистон Юсуповалар ҳам мамлакатимизда ўтган 16 йил давомида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Анжуманга ташриф буюрган таникли ёзувчи ва шоирлар Асрор Мўмин ҳамда Туроб Ниёзлар ўқиган янги шеърлар талабалар томонидан илиқ кутиб олинди. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” видео тасвири иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Гулбаҳор ХАЙДАРОВА

Урганч давлат университети қошидаги 2-Академик лицей Хоразмнинг нуфузли ўқув даргоҳларидан саналади. Лицейда аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишлари бўйича чуқур таълим берилади. Ўқув муассасасида 130дан ортиқ ўқитувчи, шу жумладан, 10га яқин фан номзоиди, 20дан зиёд магистр, 30дан зиёд олий тоифали муаллимлар ўқувчиларнинг билим савияси ошишида яқиндан ёрдам беришмоқда.

Урганчлик ёш дастурчилар

Ушбу ўқув масканида ёшлар фанларни тўлароқ ўзлаштиришлари учун барча шароитлар яратилган. Сўнгги авлод компютерлари билан жиҳозланган ва интернетга уланган иккита синф, иккитадан кимё ва физика лабораториялари мавжуд. Иккита ахборот-ресурс марказида 100 дан зиёд электрон дарслик, 30 мингдан ошқ ўқув дарсликлари ва адабиётлар жой олган.

— Лицейимизда иктидорли ўқувчилар талайгина, — дейди лицей директори, педагогика фанлари номзоиди Ҳамид Матқубов. — Шулардан бири охирги босқич талабаси Сапарбой Ботировдир. — У ўқувчилар билимини аниқлайдиган тест дастурини яратиб, «Келажақ овози» танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади. Компютер дастурининг ўзига хос жиҳати шундаки, ўқитувчи саволларни киритиб, тўғри жавобларни белгилайди. Ўқувчининг билими 5 балли тизимда аниқ намоён бўлади. Сапарбойнинг келажаги порлоқ, у ишлаган бошқа дастурлар ҳам дунё миқёсида тан олиншига ишончимиз комил.



— Дастур ҳозирча серверда ишлагга мўлжалланмаган, фақат алоҳида компютерда ўрнатилди, — дейди биз билан суҳбатда С.Ботиров. — Шунингдек, белгиланган вақт тамом бўлиши билан автоматик ўчиш функцияси ўрнатилмаган. Айни пайтда Республика биринчилиги ўтказиладиган кунларга дастурнинг имконият даражаларини ошириш устида иш олиб борилган.

Тест бўйича компютер дастури устоз томонидан тўлдирилиб, тўғри вариантлар белгиланади. Унда маълумотлар базасини тозалаш, архивлаш ва принтердан чиқариш имкониятлари мавжуд. Ўқитувчи хоҳлаган пайтда тест натижаларини кўриб чиқиши мумкин. Тест дастури ўқиб даврининг 45 кунлик оралик назорат ишида қўлланилади. Дастур очилиши билан мусиқа садоси янграйди, унда календар ва калкулятор каби қўлайликлар мавжуд. Ўқитувчи хоҳласа, калкулятор функциясини ўчириб қўйиши мумкин.

Сапарбой Ботиров интернетдан маълумотлар олиш ва рус тилидаги дастурларда учрайдиган сўзлар маъноларини тушунтиришда яқиндан ёрдам бераётган Нигора Каримовадан беҳад миннатдор. Шунингдек, компютер дастури тилларини ўргатаётган устозлардан бири — информатика фани ўқитувчиси Ҳамидулла Юсуповнинг ҳам кўмаги талабга ғайратшижоат бағишламоқда.

2-Академик лицейнинг яна икки талабаси ҳам форумнинг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллашди. Сарвар Рўзमतов одамларни қизиқтирадиган мавзу бўлган йод танқислиги ва унинг олдини олиш масалалари бўйича сайт яратиб, www.yod.uz.narod.ru да жойлаштирди. Унда қалқонсимон без, бўқоқ нималиги тўғрисида маълумотлар берилган бўлиб, касалликнинг олдини олишда йод моддасининг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Сайтни яратишда Сарвар WebEditor дастуридан фойдаланган.

Умрбек Бекчонов эса Республика урология маркази Хоразм вилоят филиалининг сайтини ишлаб чиқиб, серверга жойлаштирди. Интернетда унинг манзилини топиш учун www.urologiya.vo.uz ни териш kifoya. Унда урология марказида мавжуд тиббиёт асбоб-ускуналар, касалликларни даволаш усуллари ва бошқа маълумотлар берилган. Умрбек сайтини яратишда HTML, JavaScript тиллари ва First Page дастурини қўллаган.

XXI аср замонавий ахборотлар даври экан, хоразмлик талабалар ҳам компютер дастурларини пухта эгаллаб олмақдалар. Улар орасидан кучли дастурчилар ҳам етишиб чиқмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,

“Хабар”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

СУРАТДА: Урганч давлат университети қошидаги 2-Академик лицей талабаси Сапарбой БОТИРОВ, ўқитувчилар Нигора КАРИМОВА ва Ҳамидулла ЮСУПОВлар.

Янги коллеж

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Қоратикан қишлоғида янги ўқув йили Ахборот технологиялари коллежининг очилиши билан бошланди.

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида қад ростлаган бу иншоот 555 ўринга мўлжалланган бўлиб, «Ғузор-Ф» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бунёд этилди.


Коллежда ахборот технологиялари йўналишларидан ташқари, бошланғич таълим, нефт ва газни кимёвий қайта ишлаш, транспортларда юк ташишни ташкил этиш соҳалари учун ҳам мутахассислар тайёрланади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

ALOQA KORXONALARIDA

Мақсад — почта хавфсизлиги

Халқимизда «Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшингнинг ўғри тутма», деган мақол бор. Бу ҳар бир инсон ҳар қандай вазиятда ҳам эҳтиёт чораларини кўриши, хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилиши лозимлигига ишорадир.



Бу ишора эл манфаати йўлида хизмат қилаётган корхона ва ташкилотларга ҳам тегишли десак хато бўлмайди. Жумладан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалида почта хавфсизлиги эътибордаги асосий масалалардан ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиал ва унинг таркибидagi почта алоқаси тармоқларида почта хавфсизлигини янада кучайтириш мақсадида 329 нафар ходим ишга қабул қилинди. Пенсия ва нафақа пуллари, муҳим ҳужжатлар муҳофазаси, автотранспорт воситаларининг техник жиҳатдан доимо соз ҳолда сақланиши, шунингдек, почта алоқаси тармоқлари ҳамда уларнинг таркибидagi алоқа бўлиmlари шахсий ҳимоя воситалари ва махсус темир қўлflар билан таъминланиши доимий назорат остига олинган.

Янгийўл шаҳар почта алоқаси тармоғининг Янгийўл-12 алоқа бўлими, Олмалиқ шаҳар почта алоқаси тармоғининг Олмалиқ-4 алоқа бўлими, Оҳангарон тумани почта алоқаси тармоғининг Оҳангарон-3 алоқа бўлими ҳамда Пискент ва Янгибозор почта алоқаси тармоқлари биноларини техник жиҳатдан мустаҳкамлаш учун 8827,7 минг сўм маблаг ажратилди.

Хусусан, Янгибозор ва Пискент тармоқларида ҳашар йўли орқали қисқа муддатда назоратли рухсатнома билан ўтказиш масканлари ташкил этилди. Тегишли сигнализация воситалари билан таъминланган бу масканларда узлуксиз навбатчилик ташкил этилган. Эндиликда тармоқ ҳудудига кириб-чиқаётган ходимлар, ташриф буюрувчилар ва автоуловлар назорат дафтари мунтазам қайд этиб бориляпти.

Собит АҲАДОВ,
«Хабар» мухбири

«Unitel» масъулияти чекланган жамияти янги — «Билайн»дан бир соатлик сўхбат вақти совға бошланганини эълон қилди.

«Билайн»дан бир соатлик совға

«Билайн»нинг исталган тариф режаларидан бирига 20 сентябрдан 20 октябргача уланб, янги абонент 1 соатлик бепул сўхбат вақтини қўлга киритади. Ушбу сўхбат вақтидан абонент 2007 йил 20 ноябргача фойдаланиши лозим. Акция Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари абонентлари учун амал қилади.

Сарфланмаган бепул дақиқалар амал қилиш муддати-дан сўнг сақланмайди. Бепул дақиқалар якунидан сўнг кўнғироқлар танланган тариф режага кўра баҳоланади. Барча кўнғироқлар амалдаги тариф режасининг тўлови қондаларига асосан яхлитланади.

Бепул дақиқалар қуйидаги маҳаллий кўнғироқлар учун сарфланади:

- ўз худудининг шаҳар ва уяли алоқа рақамларига чиқиш кўнғироқлари;
- шаҳар, халқаро ва Ўзбекистоннинг бошқа уяли рақамларидан кириш кўнғироқлари.

Малака оширдилар

«Ўзбектелеком» АК бош директорининг «Компания филиалларида мутахассислар малакасини ошириш мақсадида кўча ўқитиш курсларини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармойишига биноан, «Фарғона Телеком» филиали ўқув базасида уч кунлик ўқиш юқори савияда ўтказилди.

Ўқув машғулотларини ТАТУ «Телекоммуникация линиялари» кафедраси катта ўқитувчиси Рамзиддин Камолидинов ҳамда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали КСУ-компрессор сигнал қурилмалари бўйича етакчи мутахассиси Алексей Хагайлар олиб боришди. Амалий машғулотлар 226-АТК КСУ мосламалари ўрнатилган хонада ташкил этилди.

— Оптик-толали алоқа линиялари тузилишини чуқур ўргандик, — дейди Фарғона телекоммуникациялар бўламаси муҳандиси Эсонали Сатторов ҳамда 223-АТК муҳандиси Абдоржон Холмирзаевлар. — Мазкур линиялар бўйича монтаж технологияларининг ўзига хос жиҳатларини яхшироқ билиб олдик. ТАТУнинг бошқа кафедралари ўқитувчи-олимлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилса яхши бўларди.

Ўқув машғулотлари нийояланганда муҳандис-техник ходимларга кабел алоқа линиялари ишончилигини ошириш дастури бўйича ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатлар топширилди. Маросимда «Фарғона Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари Баҳодир Тешабоев иштирок этди.

Шунингдек, «Алоқачи» сихатгоҳида жойлашган ўқув базасида ҳам раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимлар «Маркетинг асослари ва телекоммуникация хизматларини сотиш техникаси», «Кўшимча хизмат турларидан фойдаланиш ва уларни сотишни рағбатлантириш», «Кичик бизнес ходимлари учун телекоммуникация хизматларини сотиш» мавзуларида ҳам ўқитилди.

Хафиза САЛЯҲОВА,
«Хабар»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги низомнинг 52-бандига асосан, «Тоҳир-Бағдод ТВ» масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002137 рақамли лицензияси 2007 йил 24 сентябрдан бекор қилинди.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

докторантура ва аспирантурага
2008 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА

- 05.12.02 — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;
- 05.12.14 — Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш;
- 05.12.17 — Радиотехника, телевизион тизимлар ва қурилмалар;
- 05.13.11 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти;
- 05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари;
- 05.13.19 — Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари.

Керакли ҳужжатлар:

- ариза; таржимаи ҳол ва шахсий варақа фотосурат билан;
- олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режалойиҳаси;
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);
- иш жойидан тавсифнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- тиббий маълумотнома (086 шакл);
- 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат, паспорт нусхаси.

АСПИРАНТУРА

- 05.12.02 — Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;
- 05.12.14 — Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш;
- 05.12.17 — Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар;
- 05.13.11 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти;
- 05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари;
- 05.13.19 — Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари;
- 08.00.14 — Иқтисодиётда ахборотлар тизимлари ва технологиялари.

Керакли ҳужжатлар:

- ариза, таржимаи ҳол ва шахсий варақа фотосурат билан, иш жойидан тавсифнома;
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот ҳисоботлари рўйхати ёки танланган мутахассислик бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат);
- олий таълимнинг барча босқичлари ўтилганлигини тасдиқловчи диплом ва дипломга илованинг нусхаси;
- номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлабтанлар учун);
- тиббий маълумотнома (086 шакл), 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
- паспорт нусхаси ва ҳарбий гувоҳнома (агар мавжуд бўлса).

Ҳужжатлар 2007 йил 15 октябргача қабул қилинади. Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 100084, Тошкент шаҳри, ГСП, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Маълумот учун телефонлар: 138-64-43, 138-64-03. Факс: 138-10-40.

Ўрта Осиё халқлари кўхна замонлардан буён чанқовбосди ва тўйимли ичимликлар, шарбатлар тайёрлаб, истеъмол қилиб келган. Қадимий ва кейинги даврлар ёзма манбаларида анор, узум, тарвуз шарбатлари истеъмолда бўлгани ҳақида айтилган.

ҳайдовчи дори-дармонлардандир.

ЗИРАЛИ ЧОЙ

Бу ўсимликнинг пишиб етилган уруғи шиша ёки тунука идишга солиб, оғзи зич беркитиб сақланади, 1 литр қайнаган сувга 5 грамм қора чой ёки

ди ва асал қўшилади. Зира уруғидан улуг бобомиз Иби Сино дори-дармон тайёрлаб, улар ёрдамида ошқозон, ичак, жигар ва сийдик йўллари касалликларини даволашда фойдаланган. У халқ таботатида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади, талқонидан тайёрланган суртма дори билан яралар даволанилади. Зира уруғи органик кислоталар, ёғ моддалари, эфир мойлари (1,5—3 фоиз), оксил ва витаминларга бой.

НАЪМАТАК ВА ЎТЛАР ҚЎШИЛГАН ЧОЙ


Гуллаган даврида йиғштириб олинган тоғрайхон, чойўт ва кийикўт ҳамда наъматакнинг пишган меваси тенг миқдорда олиниб, аралаштирилади. 1 литр қайнаган сувга 1 ошқошиқ аралашма солиб, термосда 2 соат дамлаб қўйлади.

НАЪМАТАКЛИ ЧОЙ

Наъматакнинг пишган мевалари қуритилиб, қуруқ жойда сақланади. 800 грамм қайнаган сувга 100 грамм наъматакдан ҳамда 100 грамм шакар мўлжалланади. Мевалари яхшилаб ювилади, устига қайнаган сув қўйлади, 10 дақиқа милтиратиб қайнатилди, 5 соатдан кўпроқ дамлаб қўйлади, кейин шакар қўйлади.

Наъматак асосан организм ҳолсизланганда жуда аскотлади. Унинг таркибида киши ҳаёти учун жуда зарур кўплаб витаминлар, кислоталар, тузлар, углеводлар борки, улар организмнинг химоя қобилиятини оширади. Ошқозон, жигар, буйрак ва бошқа аъзолар касалликларида наъматак шифобахш воситадир. Наъматак мойи бу каби касалликларга даво сифатида замонавий тиббиётда ҳам кенг қўлланилади.

ШИРОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР



ган қорамурч, дафна барги, булғор қалампирдан қолишмайди. Халқ таботатида қадимдан маълум бўлган кийикўт ёрдамида буйрак, юрак-томир касалликлари даволанган. Хозир ҳам, айниқса қон босимини туширишда фойдаланилади. Унинг шарбати, қайнатмаси юрак фаолиятини яхшилайдди, қон томирларини кенгайтиради, сийдик

1 грамм кўк чой, 2 грамм зира мўлжалланади. Чойни қайтариб истеъмол этилаверади.

ЗИРАЛИ ИЧИМЛИК

1 литр сувга 20 грамм чойўт, 7 грамм зира уруғи ва 50 грамм асал мўлжалланади. Чойўт ва зира уруғи 10 дақиқа қайнатилади, 3 соат дамлаб қўйлади, тиндирилиб, сузиб олина-

Биз яшаб келаётган ўлканинг иссиқ иқлим шароитларида турли шифобахш ўсимлик моддалари қўшиб тайёрланган ичимликлар, ўсимлик ва мева шарбатларига талаб катта бўлиши табиий. Чунки таркибида углевод, витамин ва минерал тузлар, микроэлементлар бўлган ичимлик ва шарбатлар фақат чанқовбосдигина бўлмай, шунингдек, совуқ кунларда ҳам киши организми учун ўта зарур ҳаётий муҳим моддаларга бўлган эҳтиёжни қондиради, тетиклаштириб, ақлий ва жисмоний фаоллигимизни оширади. Айниқса, бундай ичимликлар куз ва баҳор ойларида янаям фойдали.

Куйидаги тавсияларга биноан уй шароитида ҳам ўзингизга мақбул ичимлик ёки шарбатни тайёрлаб қўришингиз мумкин.

КИЙИКЎТЛИ ЧОЙ

Ўсимликнинг гуллаган юқори қисми олиб қуритилди. Қўлда уқалаб майдаланади ва шиша, пластмасса идиш ёки қоғоз халтачада сақланади. 1 литр қайнаган сувга 1 грамм қора чой ёки 7 грамм кўк чой, 1-2 грамм кийикўт мўлжалланади. Чойни қайтариб истеъмол қилинаверади.

Кийикўт — ўткир хушбўйлиги билан ажралиб турувчи бу ўсимлик шифобахшлиги, овқатга яхши маза бериши билан қимматбаҳо ҳисоблан-

ХАНДАЛАР

Стадионда томошабинлардан бири болакайдан сўради:
— Бундай қиммат чиптани қаердан олдинг?
— Отамдан.
— Ҳа-а. Отамг қани?
— Уйда. Чиптани қидираётган бўлса керак.



— Биласанми, хотинимни ўғирлаб келганман, — деди Саша ўртоғига.
— Унда шунча йилдан бери қандай кун кўряписизлар?
— Ушанда унга қўшиб анча-мунча нарсани ҳам ўмаргандим...

— Биласанми, қайлигим узукни қайтариб берди. Бошқасига турмушга чиқмоқчи. Уша одамнинг қаерда туришини билмоқчиман.
— Нима, у билан уришасанми?
— Йў-е, унга мана шу узукни сотмоқчиман.

— Америкадаги холалимиз оламдан ўтибди. Мана, телеграмма келди.
— Вой, қандай яхши эдилар-а?!
— Қара, у бизга эллик минг доллар мерос қолдирибди.
— Умрлари узок бўлсин.

Ўқитувчи ўқувчилардан сўрапти:
— Бу қанақа ҳайвоннинг скелети?
Битта билагон ўқувчи жавоб берди:
— Улган ҳайвонники.

Бир одам қатта дарахтни кесаятган эди қоровул ундан сўради:
— Ие, нима қияпсиз?
— Халақит берманг, дарахт орқасида биров борга ўхшайди, шунини кўрмоқчиман.

FOYDALI MASLAHATLAR

* Одатда салатга ҳидли сирка қўйилади. Уни тайёрлаш учун кастрюлкага сиркага қўшиб, бироз шакар, тўғралган петрушка, бир неча бўлак саримсоқ, лавр япроғи, қора мурч қайнатилади. Маълум вақт ўтгач, кастрюл қопқогини ёпиб, бир неча кундан кейин сузгичдан ўтказилади, шишага солиб, усти яхшилаб ёпилади.

* Салат учун тўғралган олма, нок ва бошқа меваларга лимон шарбати сепилса, улар қораймайди.

* Лимон сувини сиқиб олишдан олдин уни бир неча марта иссиқ сувга солиб олинг. Шунда кўп сув сиқиб олинади ва у хушбўй бўлади.

* Лимон меваси қурий бошлаган бўлса, уни совуқ сувга солинг. Шунда у асли холига қайтади.

* Гўшт (суяк) қайнатилган сув гўшти таомларга қўшиб тортилади. Қўзикорин ва сабзавот пишган сув сабзавотли, балиқли ва гўшти таомларга қўшиб тортилади. Балиқ пишган сув фақат балиқ билан тортилади.

* Кўп соусларга ун солинади. Уни соусга қўшишдан олдин уни ёғли ёки ёғсиз товада қовуриш керак. Хом ун соуснинг мазасини бузади, қовурилган ун эса яхшилайдди. Ундан ташқари, хом унни соусга солиб аралаштириш қийин (қумоклари бўлади).

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● **Аппарат (техник) воситалари (ru - средства аппаратные (технические), en - hardware)** — 1. Дастурлар, тадбирлар, қоидалар ва ҳужжатлардан фарқли равишда, маълумотларга ишлов беришда фойдаланиладиган воситалар, ҳисоблаш техникасида фойдаланиладиган барча механик, электр ва электрон ускуналар.

2. Маълумотларга автоматлаштирилган тартибда ишлов бериш учун мўлжалланган барча ускуналар.

● **Ахборотлаштириш воситалари (ru - средства информатизации, en - informatization means)** — Ахборот, компютер ва телекоммуникация технологияларини амалга оширишнинг техник ва дастурий воситалари.

● **Ахборот тизимлари фаолиятини таъминлаш воситалари (ru - средства обеспечения функционирования информационных систем, en - support of the information)** — Ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаш учун фойдаланиладиган ва улардан фойдаланишнинг таъминлайдиган дастурий, техник, лингвистик, ҳуқуқий ва ташкилий воситалар.

● **Электрон воситалар (ru - средства электронные, en - electronic means)** — Электрон маълумотларни шакллантириш, ишлов бериш, сақлаш, узатиш ва қабул қилиш учун фойдаланиладиган техник воситалар.

● **Дастурий восита (ru - средство программное, en - software)** — Дастурлар, тадбирлар, қоидалар, шунингдек, агар қўлда тутилган бўлса, ахборотга ишлов бериш тизимларининг фаолиятига тааллуқли бўлган, уларга мос келувчи ҳужжатлар ва маълумотлардан ташкил топган объект.

● **Штатдаги техника воситаси (ru - средство техническое штатное, en - staff technical means)** — Объектга ўрнатилган ҳисоблаш техникаси воситалари тўпламига кирувчи техник восита.

● **Супер ЭХМ, суперкомпютер (ru - супер ЭВМ, суперкомпьютер, en - supercomputer)** — Ҳозирги кунда жуда ҳам қувватли синфга тааллуқли бўлган ЭХМ. Ўта юқори тезликда ишлайдиган ва хотира сизимига эга бўлган кўп процессорли ЭХМ.

● **Узел (ru - узел, en - node)** — Асосий тармоқ вазифалари (тармоқларда хизмат кўрсатиш, маълумотларни узатиш ва шуларни бажарувчи тармоқдаги компютер.

ҚОСИМЖОНОВ БИЛАН ШАХМАТ ТУРНИРИ

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ICTExpo 2007 ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мазкур кўргазмада қатор тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, «Ўзбектелеком» АК стендида «Видеоконференцалоқа» орқали шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳамда Самарқанддаги тўрт нафар ёш шахматчилар ўртасида он-лайн шахмат турнири ўтказилди. Турнирни кўргазма иштирокчилари эътиборига намоиш этиш учун компания стендида тўртта плазмали монитор ишлаб турди. Уларнинг иккитасида Самарқанддаги шахматчилар иштироки узатилган бўлса, қолган иккитасида эса он-лайн шахмат ўйинини кузатиш имкони яратилди.

Қизиқarli кенган ушбу баҳс Рустам Қосимжонов фойдасига уч галаба ва бир дуранг натижа билан ўз якунига етди.



КУБОК НАВОИЙЛИКЛАРДА

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Алоқачи» оромгоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, филиаллари, корхона, ташкилот ва муассасалари жамоаларининг уч босқичли республика спартакиадаси якуний босқичида навоийлик алоқачилар умумжамоа ҳисобида голибликни қўлга киритдилар.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали ходимлари Гулчехра Турсунова ва Азиз Наимовлар стол тенниси бўйича 2-ўринни эгаллаган бўлсалар, мусобақанинг кўпкураш, арқон тортиш турлари бўйича иштирок этган навоийликлар ҳам ўз маҳоратларини намоиш этиб, фахрли иккинчи ўриндан жой олишди. Шахмат ва шашка бўйича эса Навоий шахар почта алоқаси тармоғи ҳайдовчиси, меҳнат фахрийси Исматулла Сувонов ва шахардаги 6-алоқа бўлими бошлиғи Тўйбека Ҳасановлар ҳам бўш келгани йўқ.

Хуллас, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган вилоят алоқачилари спартакиада кубоғи ҳамда «Энг фаол жамоа» деган шарафли ном ва биринчи даражали диплом билан Навоийга қайтдилар. Алоқачи-спортчилар гуруҳи раҳбари Махбуба Ҳасанова «Бу галабани қўлга киритишимизда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали, «Навоий Телеком» филиали, вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаларининг аҳиллиги ва ҳамфикрлиги, энг муҳими эса спортга бўлган алоҳида эътибори ёрдам берди», дейди фахр билан.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

Ўтганларнинг охириги ошди бўлсин

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал директорининг биринчи ўринбосари Расулжон Қамбаровга волидаи мухтарамаси

Қурвонбуви ҚАМБАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Испаниянинг Мадрид ва Мурсия шаҳарларида ўртоқлик ва назорат учрашувларини ўтказмоқда. Мадридда маҳаллий «Боадилла Лас Розас» жамоасига қарши кечган учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Мазкур ўйиндан сўнг, Ўзбекистон терма жамоаси ушбу сафарни ташкил этишдаги бош мақсади бўлган — Испания терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказиш учун Мурсияга йўл олди.

«Каравака де ла Круз» спорт мажмуасида ўтказилган мазкур баҳс 5:0 ҳисобида Испания терма жамоасининг галабаси билан якун топди.

Бир кун ўтиб, Шавкат Абдураимов шоғирдлари Испания терма жамоаси билан иккинчи назорат учрашувини ўтказди. Бу сафар терма жамоамиз аъзолари ўз дарвозасидан жавобсиз 12та тўп олиб чиқишди.


«ОЛТИН ТЎП» — ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИГА

Франциянинг «France Football» нашри «Олтин тўп» соҳибини аниқлашдаги референсга сезиларли даражада ўзгартириш киритди. 2007 йилдан бу соврин соҳибини овоз бериш йўли билан аниқлашда ҳам янгилликлар киритилди.

1956 йилдан буён бу соврин Европаниннг энг яхши ўйинчисига топширилаётган эди. Энди «Олтин тўп» мукофоти жаҳоннинг энг яхши ўйинчисига бериладиган бўлди. Яъни Европа қитъасидан ташқаридаги футболчилар ҳам бу совринни қўлга киритиши мумкин. Шунингдек, овоз берувчилар сафи ҳам кенгайтирилди. Илгари 53 журналист овоз бериш жараёнида қатнашган бўлса, бундан буён овоз беришда 96та ОАВ вакиллари иштирок этишади.



ПИТЕР ВАҚТИНЧА ЧЕМПИОН



Маскаев бир йил ичида рингга қайтмаса, чемпионлик унвонидан бутунлай маҳрум қилинади.

Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) раҳбарияти нигериялик оғир вазни боксчи Сэмюэл Питерга ташкилотнинг вақтинчалик чемпиони мақомини берди. WBCнинг амалдаги чемпиони Олег Маскаев жароҳати боис 6 октябр куни ўтказилиши режалаштирилган жангда иштирок этишдан бош тортганидан сўнг шундай қарор қабул қилинди.

WBC қондаларига кўра, агар

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эътиборга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлавиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўғрилик-гига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

853-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ,
Адади: 7930 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲҲИЕВ.
Матн тереувчи: Далфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

● BAYRAMINGIZ MUBORAK, USTOZLAR!



Ўқитувчилик машаққатли, аммо шарафли касблардан бири. Юртимизда бу касб эгаларига бўлган иззат-хурмат юқори поғонага кўтарилган. 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, соҳа мутахассисларининг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилганлиги фикримизнинг далилидир. Байрам арафасида республикамиздаги энг кекса ва нуфузли билим даргоҳларидан бири — Тошкент алоқа касб-хунар коллежида бўлиб, ушбу масканда олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

— Билим даргоҳимиз ҳақиқатан ҳам ўзининг чуқур тарихига эга, — дейди коллеж директори Марат ЗОҲИДОВ. — Архив ҳужжатларига кўра, 1929 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё почта ва телеграф бошқармаси учун мутахассислар тайёрловчи махсус курслар ташкил этилган. 1930 йилнинг май ойида ана шу курслар асосида Ўрта Осиё алоқа техникуми ташкил топган. Алоқа тизимида самарали меҳнат қилиб, эл хурматига сазовор бўлган Ахат Мусаев, Шоикром Иброҳимов, Ғаппор Ҳамидов, Мансур Муллаев, Алихон Ўскенбоев, Азиз Алиев ва Маҳмуд Магриповлар номи миллий кадрлар ичидан чиққан биринчи техниклар сифатида тарихда қолди. Ўқув масканимизнинг йиллар силсиласидан хурмат-эътибор билан олиб ўтилишида, янги ўқув биноси, ётоқхоналар, ошхона, спорт заллари қуришда ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда тиним билмай меҳнат қилиб, 30 йил раҳбар бўлиб ишлаган Эркин Нуриддиновнинг хизматлари катта. Бугунги кунда коллежimizда бу инсон меҳнат фаолиятига бағишланган "Хотира хонаси" ташкил этилган. Талабалар бу ерда тез-тез бўлиб, устоз ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишадилар. Зеро, ўтмиш авлод вакилларига хурмат уларда юртга, соҳага муҳаббат ҳиссини юксалтириши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Тошкент алоқа касб-хунар коллежида бўлган киши бу ерда алоқа соҳасига етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлади. Талабаларнинг чуқур билим олишлари, дам олишлари ва яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд 65та аудитория, 40та лаборатория, 30 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот-кутубхона маркази, 3та компьютер синфи, иккита ёпиқ спорт зали, 3та спорт майдончаси, 3та маънавият ва маърифат хонаси, ҳар бири 400 уринли ётоқхона, 250 уринли ошхона, 40 уринли буфет ҳамда тиббий хоналар ўқувчи ва мураббийлар ихтиёрида.

Талабаларнинг жисмонан

Йиллар силсиласида тобланган даргоҳ


соғлом бўлишларида спортга бўлган эътиборнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Улар Ўрта махсус касб-хунар маркази ва бошқармаси томонидан ташкил этилаётган мусобақаларда спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, кураш ва шахмат турлари бўйича фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашпти. Жумладан, коллеж талабалари Жиззах вилоятида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида 5та олтин, Андижон вилоятида 4та кумуш ва Тошкент шаҳрида 5та бронза медали олишга муваффақ бўлишди.

Юртимизнинг таниқли фан арбоблари, шоир ва ёзувчилар, санъат ва маданият, ички ишлар, суд, прокуратура ходимлари, диний идора вакиллари билан учрашувлар ўтказиш коллежда аънаънага айланган. Талабалар бундай учрашувлардан маънавий завқ оладилар, ҳаётий кўникма



ҳосил қиладилар.

Бўлажак алоқа ходимларига билим бераётган юз нафардан ортиқ ўқитувчи доимий изланишда. Улар "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таллаблари асосида ўқув режа ва дастурларини қайта тузиб чиқ-




тириш" кафедраси мудири Одилхўжа Сиддиқхўжаевнинг "Радио қабул қилувчи қурилмалар" китоблари, Бухгалтерия ва иқтисод режалари бўлими мудири Нисолат Исмаилова-нинг "Симли алоқа қурилмалари касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма", "Алоқа линиялари қурилмалари лаборатория ишлари бўйича қўлланма"лар шулар жумласидандир. Талабалар давлат тилида чоп этилган буюмлардан самарали фойдаланмоқдалар.

— Айни пайтда коллежimizда 7та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда, — дейди коллеж директори ўринбосари Зулхумор Бобо-жонова. — Булар Коммуникация тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, Алоқа ва радиолоштириш линияси иншоотларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, Аналог ва рақамли узатиш тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, Радиоалоқа, телевидение ва радиоэшиттириш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, Почта алоқаси хизматини ташкил этиш, Менежмент, бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассислардир. Мазкур йўналишлар бўйича билим олган талабалар "Ўзбектелеком" АҚ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, республикамик радио ва телевидение тизимидаги корхоналарда алоқа техник вазибаларида фаолият юритадилар.

Дарвоқе, вазифаларни ундабуронлик билан бажариб, эл хурматига, олқишига сазовор бўлаётганларни тизимдаги ҳар бир корхонада учратиш мумкин. Бу ҳам бўлса кўп сонли коллеж ўқитувчиларининг машаққатли, аммо олижаноб ишлари самарасидир.

Биз мазкур билим даргоҳи муаллимларини ва улар тим-соллида ёшларни билимчи, Ватанга муҳаббатли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш йўлида тер тўкаётган барча устоз мураббийларни 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини билан самимий табриклаймиз. Эзгу ишларида ютуқлар тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА



ОБУНА БОШЛАНДИ!

Хурматли муштарийлар!
"Xabar" газетасига 2008 йил учун обуна бошланди. Газета хонадонингизга ҳар ҳафтанинг муборак жума кунини 16 саҳифада, рангли, тўлиқ теледастурлар билан кириб боради. Ўз газетангизга вақтида обуна бўлишни унутманг!

Нашр кўрсаткичи — 228.